

**Уй хўжаликларининг харажатлари ва истеъмолининг умумлашган  
кўрсаткичларини шакллантириш бўйича услубий  
Низом**

**I. Умумий қоидалар**

Уй хўжаликларининг харажатлари ва истеъмолининг умумлашган кўрсаткичларини шакллантириш бўйича услубий Низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низом уй хўжаликларининг харажатлари ва истеъмоли тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришда фойдаланиш учун мўлжалланган.

**II. Асосий тушунча ва таърифлар**

1. Ушбу услубий Низомда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилади:

**уй хўжалиги** – маълум бир турар-жой манзилида бирга яшовчи, даромадларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирган ҳолда умумий рўзғор юритувчи кишилар гуруҳи. Бунда, уй хўжалиги аъзолари ўртасида қариндошлик алоқалари бўлиши шарт эмас;

**кундалик** - уй хўжалигидаги барча харажатларни ва истеъмол қилинаётган маҳсулотлар миқдорини ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Кундалик ёзувлар интервьюер белгилаган кундан бошлаб 14 календар куни давомида узлуксиз равишда юритилади;

**интервьюер** – кузатув жараёнида танловга тушган уй хўжаликлари аъзолари билан савол-жавоб (интервью) ўтказадиган ҳудудий статистика бошқармаси ходими;

**саволнома** – кузатув давомида уй хўжалиги (унинг аъзоси) тўғрисида маълумот олиш мақсадида аниқ шакллантирилган саволлар рўйхатидан иборат бўлган, белгиланган тартибда тасдиқланган ҳужжат;

**респондент** – кузатув ўтказиладиган уй хўжалигининг интервью саволларига жавоб берадиган аъзоси. Респондент уй хўжалигининг бошлиғи ёки ушбу уй хўжалиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлган бошқа аъзоси бўлиши мумкин;

**информант** – кузатув ўтказиладиган уй хўжалиги аъзоларининг кунлик харажатлари тўғрисида маълумотларни белгиланган саволномага (кундаликка) ёзиб борадиган уй хўжалиги аъзоси;

**уй хўжалигида ишлаб чиқариш** – уй хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти натижаси ҳисобланган, ўз шахсий истеъмоли ҳамда сотиш учун ҳам мўлжалланган товарлар, маҳсулотлар ва хизматлар қиймати;

**уй хўжалиги пул харажатлари** – истеъмом ва ноистеъмом харажатлардан таркиб топади. Ўз навбатида, уй хўжалигининг истеъмом харажатлари, истеъмом товарлари ва хизматларини харид қилишга (яъни, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга, уйдан ташқарида овқатланишга, спиртли ва спиртсиз ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга ва пуллик хизматларга) йўналтирилган харажатларни ўз ичига олади. Ноистеъмом харажатларга солиқлар, йиғимлар, тўловлар ва истеъмом билан боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги харажатлар киради;

### **III. Уй хўжалиklarининг харажатлари ва истеъмолининг умумлашган кўрсаткичларини шакллантиришнинг маълумот манбалари**

2. Уй хўжалиklarининг харажатлари ва истеъмолининг умумлашган кўрсаткичларини шакллантиришнинг маълумотлар манбаи уй хўжалиги танлама кузатувлари маълумотлари ҳисобланади.

3. Уй хўжалиklари кузатуви Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида танлама усулда ўтказилади.

4. Кузатувлар танлаб олинган уй хўжалиklarининг унда ихтиёрийлик тамойиллари асосида иштирок этиши орқали ташкил этилади. Танловга тушган уй хўжалиklарида кузатув бир ой давомида ўтказилади ва шундан сўнг бошқасига алмаштирилади.

5. Кузатув уй хўжалиги аъзолари билан бевосита сўров (интервью) ўтказиш ва уй хўжалиklарида кундалик ёзувлар юритишга асосланади.

6. Уй хўжалиklари кузатуви Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида танлама усулда бир йилда 10000 та уй хўжалиklарида ўтказилади. Уй хўжалиklарида танлама кузатув ўтказиш услубияти Жаҳон Банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа Иқтисодий Комиссиясининг (БМТ ЕИК) тавсияларига асосланган. Мазкур кузатув асосида аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлиги ўрганилади. Шунингдек, кузатув натижалари аҳолининг даромадлари ва харажатлари, истеъмом даражаси ва нархлар индексини шакллантириш, миллий ҳисоблар тизимида уй хўжалиklари сектори ҳисобларини тузишда ва бошқа иқтисодий-статистик ҳисоб-китобларда фойдаланилади.

7. Ҳар бир алоҳида уй хўжалигида кузатув ўтказиш даврида қуйидаги сўров ҳужжатларини тўлдириш назарда тутилади:

- уй хўжалиklари кузатуви саволномаси;

- кунлик харажатларни ҳисобга олиш кундалиги (товар ва хизматлар Уй хўжалиklarининг мақсадлар бўйича яқка тартибдаги истеъмоли таснифлагичи бўйича кодлаштирилади);

### **IV. Уй хўжалиklarининг харажатлари ва истеъмолининг умумлашган кўрсаткичларини аниқлаш тартиби**

13. Умум қабул қилинган амалиётга мувофиқ, истеъмом товарлари ва хизматларга тўловлар учун харажатлар бўйича маълумотларни йиғиш ва тақдим этиш учун фойдаланиладиган ягона классификатор Мақсадлари бўйича уй хўжалиklarининг шахсий истеъмоли таснифлагичи ҳисобланади.

14. Таснифлагичнинг шаклланиши учун асос Миллий ҳисоблар тизимида (МҲТ) фойдаланиладиган тўртта функционал таснифлагичлардан бири ҳисобланган “Мақсадлари бўйича уй хўжалиқларининг шахсий истеъмоли мақсадлари таснифлагичи Classification Of Individual Consumption By Purpose (COICOP)” ҳисобланади.

15. Мақсадлари бўйича уй хўжалиқларининг шахсий истеъмоли таснифлагичидан фойдаланиш кузатувга тушган уй хўжалиқлари томонидан кунлик харажатларни ҳисобга олиш кундалигини юритиш жараёнида киритилган бирламчи ёзувлар мақсадлари бўйича уй хўжалиқларининг шахсий истеъмоли таснифлагичи асосида кодлаштиришга асосланади.

16. Танлама кузатув натижалари бўйича уй хўжалиқларининг харажатлари истеъмол харажатлари ва ноистеъмол харажатларга бўлиб ўрганилади.

17. Уй хўжалиқларининг истеъмол харажатлари уй хўжалиқлари ҳамда уй хўжалиги аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш учун истеъмол товарлари ва хизматларга тўловларни амалга ошириш учун йўналтирилган пул харажатларининг бир қисми ҳисобланади.

18. Уй хўжалиқларининг истеъмол харажатлари қуйидаги харажатлардан иборат:

- озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари;
- уйдан ташқарида овқатланишга харажатлар;
- спиртли ичимликларни сотиб олишга харажатлар;
- тамаки маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари;
- шахсий истеъмол учун ноозиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари;
- пуллик хизматлар.

19. Истеъмол харажатлари таркибида капитал қўйилмалар сифатида сотиб олинган санъат асарлари, қадимий буюмлар ва заргарлик буюмларини сотиб олиш, шунингдек, инвестициялар ҳисобланган турар-жой ёки ёрдамчи хўжалик биноларини қуриш ва капитал таъмирлаш бўйича материаллар ва иш ҳақларини тўлаш харажатлари ҳисобга олинмайди.

20. Уй хўжалиқларининг ноистеъмол харажатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кўчмас мулк сотиб олишга харажатлар;
- ишлаб чиқариш мақсадларида транспорт воситалари сотиб олишга харажатлар;
- ер учун ижара тўлови;
- чорва, уй ҳайвонлари ва паррандалар сотиб олишга харажатлар;
- чорва, уй ҳайвонлари ва паррандалар учун ем-хашак сотиб олишга харажатлар;
- солиқлар, бадаллар ва бошқа тўловлар;
- қариндошларга ва бошқа шахсларга моддий ёрдам;
- қайта сотиш учун, ижарага бериш учун, бошқа ишбилармонлик ёки яққа тартибдаги меҳнат фаолияти учун харид қилинган товарлар;

- банк омонатлари;
- акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш;
- кредитни сўндириш, ссуда ва қарзларнинг қайтарилиши;
- бошқа ноистеъмол харажатлар.

21. Кузатув натижалари асосида даромадлар ва харажатлар кўрсаткичларини умумлаштириш кузатув ўтказилган ҳар бир бирлик (кузатув ўтказилган ҳар бир уй хўжалиги) ва кузатув ўтказилган барча бирликлар (кузатув ўтказилган барча уй хўжаликлари) даражасида амалга оширилади.

22. Харажатларнинг умумлашган кўрсаткичлари ҳар бир уй хўжалиги учун кузатув давомида олинган барча маълумотларнинг бирлаштирилиши натижасида белгиланади. Маълумотларни умумлаштиришда кузатувларни бир вақтга ўтказиш тамойилига асосланади ва икки ҳафталик даврдаги кундалик ёзувларни бирлаштириш йўли билан амалга оширилади. Икки ҳафталик кундалик ёзувларни ойлик даврга ўтказиш кўрсаткичлар қийматларини экстраполяция коэффиценти ( $K_z$ ) га кўпайтириш орқали, қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_z = \frac{N_k}{N_j}$$

бу ерда:  $N_k$  – ойдаги кунлар сони,  $N_j$  – кундалик юритиш кунлари (14).

23. Уй хўжаликлари маълумотларини умумий уй хўжаликларига ёйиш мақсадида кузатув натижаларини статистик вазнлаштириш амалга оширилади. Ушбу усулни амалга ошириш кузатувда қатнашган ҳар бир уй хўжалигида танламага киритилган уй хўжаликларининг умумий сонини характерловчи статистик вазни белгилаш йўли билан амалга оширилади. Ушбу тартиб кузатув ўтказилган уй хўжаликлари гуруҳининг бир белги бўйича бирлаштирилганлиги тўғрисидаги умумий гипотезага асосланган бўлиб, умумий уй хўжаликлари ичида худди шу белги бўлган уй хўжаликлари гуруҳига тўғри келади.

24. Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли миқдори ҳажми кузатув даврида шахсий истеъмол учун уй хўжаликлари томонидан сотиб олинган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори, иш ҳақи ҳисобидан уй хўжаликлари томонидан истеъмол қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори, уй хўжалиги томонидан ишлаб чиқарилган, совғалар ва ҳоказолар шаклида, шунингдек, кузатув бошлангунга қадар ҳисобот даврида озиқ-овқат захирасидан истеъмол учун сарфланган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори йиғиндиси ҳисобланади.

25. Кузатув натижаларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли даражаси ва уларнинг озуқавий қийматини ифодаловчи қуйидаги кўрсаткичлар шаклланади:

Бир истеъмолчига истеъмол миқдори, кг

- нон ва нон маҳсулотлари;
- картошка;
- сабзавот ва полиз экинлари;
- мева ва резаворлар;
- гўшт ва гўшт маҳсулотлари;
- балиқ ва балиқ маҳсулотлари;
- сут ва сут маҳсулотлари;

- ўсимлик ёғи;
- маргарин ва бошқа мойлар;
- тухум, дона;
- шакар, қандолат маҳсулотларини қўшган ҳолда;
- спиртли ичимликлар, литр;
- бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари.

Бир истеъмолчига истеъмол қилинган озиқ-овқат маҳсулотларининг озуқавий таркиби ҳамда энергетик қийматида қуйидагилар аниқланади:

- оқсиллар;
- ёғлар;
- углеводлар;
- калорияси, ккал.

26. Умумлашган маҳсулот гуруҳлари бўйича маълумотлар олиш учун қишлоқ хўжалиги хом ашёсини бирламчи маҳсулот сифатида қайта ишлаш натижасида олинган озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ҳисоблаш коэффициентидан фойдаланилади. Бу коэффициентларни ҳисоблаш учун асос сифатида колбаса маҳсулотлари, сут маҳсулотлари, нон, қандолатчилик маҳсулотлари ва шу каби маҳсулот бирликларини ишлаб чиқиш учун мос равишда ҳақиқатда сарфланган гўшт, сут, ун, шакар учун харажатлар олинади.

27. Истеъмол қилинган озиқ-овқат маҳсулотларининг озуқавий таркиби ва калорияси ҳақида маълумот олиш учун озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби (оқсиллар, ёғлар, углеводлар) ва уларнинг калория таркиби ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилади.

28. Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларида мавжуд озуқа моддаларини истеъмол қилиш даражаси умумий истеъмол ҳажмининг уй хўжаликларида истеъмол бирликлари (истеъмолчилар)нинг мавжуд эканлигидан келиб чиққан ҳолда истеъмол бирликлари (истеъмолчилар)га нисбати сифатида аниқланади. Кузатув натижалари ҳар бир уй хўжалиги аъзосининг ёши ва жинсига қараб истеъмол қилишидаги фарқлар тўғрисида маълумот бермайди.

#### **IV. Яқуний қондалар**

29. Уй хўжаликларининг харажатлари ва истеъмолининг умумлашган статистик кўрсаткичлари статистика органлари томонидан Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ шакллантирилади.